

2-57/123.



“Тасдиқлайман”
Давергеодезкадастр
қўмитаси раиси



А.Абдуллаев
2018 йил “30” январь

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида ўтказилган йиғилиш Баёни №__

2018 йил 29 январь

Тошкент ш.

Раислик қилди: А.Абдуллаев – қўмита раиси

Қатнашдилар: Қўмита раиснинг ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қўмита Ёшлар иттифоқи етакчилар кенгаши, Юридик бўлим, Қўмита касаба уюшмаси, Кадрлар масалалари бўйича бош мутахассис.

КУН ТАРТИБИ:

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 январдаги Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгаши мажлисининг 01-07/1-3305-сонли баёни ижроси тўғрисида.

II. Бошқа масалалар.

(Абдуллаев, Рўзметов, Хабибуллаев, Каршиев, Атамуратов, Абдуллаев)

Кун тартибидаги масалалардан келиб чиқиб йиғилиш, **Қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожатномасида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон Фармони ижросини таъминлаш юзасидан Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш мажлисининг 01-07/1-3305-сонли баёни ижро учун қабул қилинсин.

2. Қўмита тизимидаги ҳудудий бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлигига:

- кўп тармоқли ёш фермерлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда барча ҳудудларда балиқчилик, асаларичилик, боғдорчилик ва чорвачиликнинг замонавий усуллари ёшларга ўргатиш мақсадида “Агро кластер” тажриба-ўқув ҳудудларини ташкил этиш бўйича ишларни тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда ўрнатилган тартибда ва белгиланган муддатларда амалга ошириш;

- ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилот етакчиларини раҳбар кадрлар захираси таркибига киритиш ва уларни ҳужжатлар билан ишлаш савияси ҳамда менеджмент малакасини ошириш мақсадида махсус ўқув курсларида малака оширишларини ташкиллаштириш;

- ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти фаолиятини ўрнатилган тартибда ташкил этиш ҳамда бошланғич ташкилот етакчилари учун тегишли тузилма биносидан алоҳида хона ажратиш ҳамда зарур моддий-техник воситалар билан жихозлаш чораларини кўриш;

- Ёшларни ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, мутахассислик тоифасини ошириш, разрядини кўтариш, интизомий жазо чораларини кўриш ва озод этишда бошланғич ташкилот етакчиларнинг фикр билдириш тизимини жорий этиш;

- кўмитанинг 2018 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш ва ҳар ой якуни бўйича кўмига маълумот тақдим этиш;

- ёш ходимларни тажриба ва кўникмаларини ошириш мақсадида “Устоз-шогирд” тизими асосида тажрибали ходимларга бириктириш;

- ер тузиш, геодезия, картография ва кадастр йўналишларида олий ва ўрта-махсус таълим масканларида тахсил олаётган ёшлар билан очик мулоқотлар ўтказиш ҳамда фаол ёшларни бўш иш ўринларига қабул қилиш;

- кўмитанинг 2018 йил 15 январдаги 26-сонли буйруғи асосида ҳудудий бошқарма, корхона ва ташкилотларда фаолият юритиб келаётган ёшларнинг соҳадаги фаоллиги ва интеллектуал салоҳиятини янада ошириш мақсадида хорижий тилларни ўргатиш ўқув курслари ташкил этиш;

- ёшлар билан “Оила муқаддас”, “Ёшларнинг соғлом турмуш тарзи”, “Оммавий маданият таҳдидлари”, “Ёшлар терроризм ва диний экстремизмга қарши”, “Коррупция умр заволи” мавзуларида давра суҳбатлари ўтказиш;

- ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида, спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга кенг жалб этиш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

3. Қўмита марказий аппарати ва Ёшлар иттифоқи етакчилар кенгашига:

- қўмитанинг 2018 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастури ижроси мониторингини мунтазам равишда юритиш ва амалга оширилган ишлар бўйича раҳбариятга маълум қилиб бориш;

- режа асосида дастур ижросини жойларга чиқиб ўрганиш ишларини амалга оширсин, аниқланган муаммо ва камчиликлар юзасидан раҳбариятга маълумот киритиш;

- Соҳадаги иқтидорли, жонкуяр ва ҳар томонлама тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётган фаол ёшларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан қурилаётган “Ёшлар уйлари” дан харид қилинишига кўмаклашиш;

- хорижда ер, геодезия, картография, кадастр йўналишида тахсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёш ватандошларни таклиф этиш ҳамда улар билан ўзаро тажриба алмашишни ташкиллаштириш;

- худудларда амалга оширилган ишларни баҳолаш ва бу бўйича рейтинг шакллантириш;

- соҳада фаолият олиб бораётган ёшлар орасидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” муносабати билан ер, геодезия, картография ва кадастр йўналишида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ва мазкур йўналишда олий ҳамда ўрта-мухсус таълим масканларида тахсил оляётган ёшлар ўртасида “Инновацион ғоялар танлови”ни ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва раҳбариятга киритиш;

- қўмита марказий аппарати ҳамда тизимдаги ташкилотлар ходимлари орасида ўзаро меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, уларнинг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш ва соғлом муҳитни тадбиқ этиш мақсадида, мунтазам равишда спорт билан шуғулланиш бўйича тадбирларни ташкиллаштириш;

- бир ой муддатда, 30 июнь - “Ёшлар куни” муносабати билан “Давергеодезкадастр ёшлари” форумини ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқиб раҳбариятга тасдиқлаш учун киритиш вазифалари юклатилсин.

4. Қўмита томонидан Ёшлар масалалари бўйича берилган топшириқларнинг ижроси учун ҳар бир раҳбар жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

5. Ушбу йиғилиш баёнида берилган топшириқлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилиш котиби



Ш.Каршиев

